

Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган E-mail: info@xs.uz 2007 йил 29 декабрь, № 257 (4410) Шанба

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига қайта сайланганингиз муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларини чин қалбдан муборакбод этишга ижозат бергайсиз.

Ясуо ФУКУДА, Япония Бош вазир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Жаноби Олийларига

Мухтарам Ислон Абдуғаниевич, Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига қайта сайланганингиз муносабати билан Сизни чин қалбдан қутлайман.

Илхом АЛИЕВ, Озарбойжон Республикаси Президенти.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Жаноби Олийларига

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва барокотуҳу, Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб янги муддатга қайта сайланганингиз муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига самимий табрик ва эзгу тилакларини йўлашдан бағоят мамнунман.

Сабоҳ ал-Аҳмад ал-Жобир ас-САБОҲ, Кувейт Давлати Амири.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб қайта сайланганингиз муносабати билан Сизни самимий қутлашдан бағоят мамнунман.

Профессор, доктор Иаждундин АҲМАД, Бангладеш Халқ Республикаси Президенти.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб қайта сайланганингиз муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига ўзининг самимий табрикларини изхор этишдан бағоят мамнунман.

Доктор Фахруддин АҲМАД, Бангладеш Халқ Республикаси Хукумати Раиси.

(Давоми 2-бетда).



Кўламли ислохотлар самараси

Мамлакатимизда тўқимачилик тармоғини ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Айниқса, пахта хом ашёсини мукамал қайта ишлаш, экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, тизимга ҳорижий сармояларни жалб этиш борасида муайян ишлар олиб борилмақда.

СУРАТДА: корхонанинг моҳир тикучиси Наргиза Ғулмонова, Темур ҚУРБОНОВЕВ олган сурат.

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2007 йил 23 ноябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2007 йил 30 ноябрда маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 3 сентябрда қабул қилинган «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги 938-ХII-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Қонунчилиги Ахборотномаси, 1993 йил, № 9, 338-модда; 1995 йил, № 12, 269-модда; 1997 йил, № 4-5, 126-модда; 1998 йил, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 5, 112-модда; 2001 йил, № 5, 89-модда; 2002 йил, № 4-5, 74-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 5, 152-модда) 32-моддасининг биринчи қисми қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Қонун ҳужжатларига мувофиқ суғурта бадаллари ҳисобланадиган иш ҳақининг барча турлари пенсияларни ҳисоблаб чиқариш учун иш ҳақига қўйилади».

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги 154-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 247-модда; 1998 йил, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 5, 124-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 154-модда; 2007 йил, № 7, 325-модда) 56-моддасининг биринчи қисми қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Дивидендлар жағият тасаруфидан қолдиган соф фойдадан ва (ёки) утган йилларнинг тақсимланмаган фойдасидан тўланади. Муайян турдаги имтиёзли акциялар бўлиши дивидендлар жағиятини бунинг учун махсус мўлжалланган фондлари ҳисобидан тўланиши мумкин».

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган 163-сонли ва 1996 йил 29 августда қабул қилинган 256-сонли қонунлари билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 2-сонга илова, № 11-12; 1997 йил, № 2, 56-модда; № 9, 241-модда; 1999 йил, № 5-6, 102-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда; № 9, 229-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда; № 9-10, 182-модда; 2002 йил, № 1, 20-модда; № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда; № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда; 2006 йил, № 9, 498-модда) 21-моддасининг учинчи қисмидаги «Давлат бож ҳақидаги қонун ҳужжатларида» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексида» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 апрелда қабул қилинган «Акционерлик жағиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги 223-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 5-6, 61-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда; № 9, 181-модда; 1999 йил, № 9, 229-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда; № 9-10, 149-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 154-модда; 2007 йил, № 7, 325-модда) 56-моддасининг биринчи қисми қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Дивидендлар жағият тасаруфидан қолдиган соф фойдадан ва (ёки) утган йилларнинг тақсимланмаган фойдасидан тўланади. Муайян турдаги имтиёзли акциялар бўлиши дивидендлар жағиятини бунинг учун махсус мўлжалланган фондлари ҳисобидан тўланиши мумкин».

5-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 декабрда қабул қилинган «Нотариат тўғрисида»ги 343-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси,

(Давоми 2-бетда).

(Давоми 3-бетда).

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI MARKAZIY SAYLOV KOMISSIYASIDA

28 декабрь кунини Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Марказий сайлов комиссияси раиси Мирзоуллубек Абдусаломов бошқарган ушбу мажлис кун тартибидан битта масала — 2007 йил 23 декабрда ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлов аяқунари қўриб чиқилди.

ЎЗБЕКISTON HALQINING ЎЗ PREZIDENTIGA YUKSAK ISHONCHINING NAMOENI

Мордехай КИМЕГАРОВ, «Марказий Осиё — Исроил» маданият марказининг директори: — Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловда қузатуви сифатида иштирок этиб, турли вилоятлардаги қатор сайлов участкаларида бўлидим. Сайловчиларнинг овоз бериш ҳаракатида фаол иштирок этгани мени жуда ҳаяжонлантирди. Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловга мўқобиллик ва қўл партиязийлик асосида ўтганининг демократик тамойилларга тўла мос келишидан далолатдир.

(Давоми 3-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИНИНГ ЎЗ ПРЕЗИДЕНТИГА ЮКСАК ИШОНЧИННИНГ НАМОЁНИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

қайси номзодга кўпроқ ишонч билдиришига боғлиқ. Албатта, сайлов жараёнига нафақат сайловчи, балки курашувчи ҳам катта масъулият ва ҳолислик билан ёндашмоғи керак. Чунки бу жараён адолатли ва виждонан баҳо беришни талаб қилади. Шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, Ўзбекистондаги сайлов уюшқоқлик, ҳамжиҳатлик ва халқро меъёрлар доирасида ўтди, дейиш учун барча асослар бор.

Мен юртингизга сайловдан уч кун олдин келган эдим. Шу боис, сайлов олди кампанияси ва сайлов жараёнидаги бевоқифлик гувоҳи бўлдим. Тайёрлик жуда юқори даражада ташкил этилгани менда катта таассурот қолдирди. 23 декабрь куни эрта тонгда Тошкент шаҳридаги 257-сайлов участкасига келганимда у ер сайловчилар билан жуда гажам эди. Сайловчилар учун яратилган кенг ва қулай шарт-шароит, участкадаги тартиб, хайрихоҳлик ва ҳушмуомалаллик менга маъжул бўлди.

Тошкент шаҳри ва вилоятда сайловнинг боришини кузатиб, ҳар бир фуқаро овоз бериш учун ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжат билан келганини кўрдим. Турли сабабларга қўра, сайловда иштирок этга олмаётган бегоналар, қарияларнинг уйларига сайлов қўлларининг олиб борилиши ҳар бир фуқарога ўз ҳуқуқидан тўла фойдалана

ниш имконини берди. Ҳатто, хорижий давлатларда ҳам сайлов участкалари ташкил этилгани демократик тамойилларга тўлиқ амал қилинганга ёрқин мисолдир.

Сайловда овоз бериш вақти 06.00 дан 20.00 гача деяр белгиланган бўлса-да, кўннинг иккинчи ярмида 90 фоизга яқин аҳоли овоз бериб бўлган эди. Бундан эса халқнинг сайловга нисбатан ҳурмати ҳис этдим. Бизни давлатлардаги сайловларда сайловчиларнинг иштироки 60-70 фоиздан ошмайди.

Мен мамлакатингизга илгари ҳам бир неча маротаба келганман. Халқингизнинг меҳр-оқибатидан, урф-одатларидан хабардорман. Шунингдек, Ўзбекистонда изчиллик билан олиб бериладиган ислохотларнинг юксак самаралари ҳамда сайлов қонунчилиги билан яқиндан танишман. Шу боис, овоз бериш ҳуқуқи 18 ёшдан белгиланганини тўғри, деб ҳисоблайман. Чунки бу ёшда шахсда атроф-муҳит, жамият ва одамларга нисбатан муштарик фикр шаклланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловчи оқиб ва ошқора, кўп партиявийлик ва альтернатив асосида ўтганини, номзодлар ўртасида соғлом рақобат мўҳити, тенглик яратилганини алоҳида таъкидламоқчиман. Конституцияда белгиланганидек, ҳар бир шахс миллати, irqи, динидан қатъи назар, ўз хохлаш-иродаси билан ўзи танлаган номзодга ишонч билдириши.

Мун ХА-ЕНГ, Корея Республикаси Йонсей Университети профессор:

— Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловчи кўп партиявийлик ва мўқобиллик асосида ўтгани — мамлакатингизда демократик ҳуқуқий давлат шаклланиши ва сайлов тизими халқро нормаларга тўла мос келишидан далолатдир. Шу боис, сайлов ошқора, адолатли ва соғлом рақобат асосида ўтди, деб айтиш учун тўла асос бор.

Президентликка номзодларнинг дастурлари ўзига холислик, кўлаб йўналишларни ўзида мужассам этгани билан эътиборга молик. Президент сайловда Ўзбекистондаги сиёсий партиялар ва сайловчилар ташаббускор гуруҳидан номзодларнинг, жумладан, аёл кишининг ҳам иштирок этгани сайловчидаги танлаш ҳамда таққослаш имкониятини янада оширди.

Ёшлар ҳар бир давлатнинг келажиги ҳисобланади. Юртингизда билимли, иқтидорли ёшлар кўп. Улар ўз қизиқишларига қўра, ҳар бир воқеага муштарик, эркин фикр билдира оладилар. Улар халқ тақдир ва Ватан келажигига бефарқ эмаслар. Бунга сайлов жараёнида яна бир бор амин бўлдим. Талабалар шаҳарчасидаги 218-сайлов участкасига кўп 13.00 да яқин келганимизда, сайловчиларнинг 85 фоизи овоз бериб бўлган эди.

Изчил ислохотлар самарасида юр-

тингиз катта муваффақиятларга эришмоқда. Мамлакатда демократия тамойилларига амал қилинаётгани ва жадал иқтисодий юксалиш аҳоли турмуш фаровонлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Ўзбекистонда амалга оширилаётган бундай юксалишга ҳавас қилса арзийди.

Заур ШЭОЖ, «Ал-Жазира» телеканали мубири (Катар):

— Мен кўлаб мамлакатлардаги сайлов жараёнини кузатганман. Юртингизда 23 декабрь куни бўлиб ўтган Президент сайловида ҳам бир неча сайлов участкаларида бўлиб, иш жараёни бевоқифлик кузатиш имконига эга бўлдим. Сайловчилар нҳоятда фаол иштирок этди.

Сайлов участкаларининг барчаси халқро талаблар даражасида жиҳозланган эди. Номзодларнинг дастури ва таржима ҳоли акс этган тарғибот материаллари барча аҳоли гажам жойларга олиб қўйилди. Ушбу сайловда турли сиёсий партиялардан ва сайловчилар ташаббускор гуруҳидан тўрт номзод ўзaro беллашди. Бу сайловчиларнинг танлаш имкониятини кенгайтирди.

Бир сўз билан айтганда, халқингиз ушбу тадбирда юксак уюшқоқлик ва фаоллик билан иштирок этиб, юртингизнинг келажиги учун овоз берди. Марказий Осиё минтақасидаги бирор сайловда мен аҳолининг бундай фаоли-

гини кўрмаганман. Бу юртингизда демократик тамойиллар тобора ривож топиб, халқингизнинг сиёсий-иқтисодий дунёқараши юксалиб бораётганининг ифодасидир.

Валерий КНЯЗЕВ, ЕвразЭС хуқуқ департаменти раҳбари (Россия):

— Мен сайлов куни пойтахтингиздаги бир неча сайлов участкасини бориб кўрдим ва барчасида сайловчилар учун зарур шароит яратилганига гувох бўлдим.

Сайлов жараёнида барча сайловчиларга ҳеч қим, ҳеч қандай таъкид ўтказмади. Барча Ўзбекистон фуқаролари бурчини эмин-эркин адо этди. Тадбир кўп партиявийлик асосида ўтгани рақобат мўҳитини кучайтирди. Сайлов жараёни изчил, тартибли, миллий ва халқро андозалар асосида ўтди.

Айтиш жоизки, кўлаб мамлакатларда сайловларга четдан кузатувчилар тақлиф этилмайди. Ўзбекистонда эса уч юзга яқин хорижий кузатувчи Президент сайловини кузатиб борди. Бизга бу борадаги фаолиятни амалга оширишимиз учун барча шароитлар яратиб берилди. Буларнинг барчаси сайлов демократик, очкичлик ва ошқора таъминоти асосида ўтганининг тасдиғидир.

(ЎзА).

ЖАҲОН 24 соат ичида

Собиқ бош вазирга суиқасд

Чоршанба куни кечқурун Равалпинди шаҳрида ўтаётган митингда террорчи томондан Покистоннинг собиқ бош вазир, хозирда муҳолифат кўчлар етакчиси Беназир Бхутто ўлдирилди. Бу ҳожа мамлакатдаги шундай ҳам қилган вазиятни янада издан чиқарди. Кеча Бхутто тарафдорлари мамлакатнинг кўлаб шаҳарларида намайишлар ўтказдилар. Полиция билан бўлган тўқнашуларда 10 нафардан кўпроқ намайишчи ҳалок бўлди.

Собиқ бош вазирнинг ўлдирилиши дунё ҳамжамияти томонидан ҳам таъвиш билан қўйиб олинди. БМТнинг Хавфсизлик Кенгаши тезлик билан йиғилиш ўтказди. ХКнинг барча аъзолари террорчиликни қаттиқ қоралади.

Хозир Покистонда қаттиқ вазият сақланиб турибди. Мамлакатдаги муҳолифат кўчлар раҳбарларидан бири,


собиқ бош вазир Навоз Шариф ўз тарафдорларини келгуси йилнинг 8 январь куни бўлиб ўтадиган парламент сайловларини бойкот қилишга чақирди.

Дунё оммавий ахборот воситалари хабарларига қараганда, Бхуттонинг ўлдирилишидан сўнг мамлакат президенти Первез Мушарраф фақулдда ҳуқуқат йиғилишини ўтказган. У бу терактга алоқадор одамлар албатта топилиб, жазоланишини айтган. «Reuters» мухбирининг қайд этишича, мазкур хунрезликни «Ал-қоида» гуруҳи ўз бўйига олган.

Покистондаги воқеалар туфайли Хиндистон ўз чегараларини муштамлашга киришди. Покистоннинг ўзида ҳам ҳарбийлар жанговар ҳолатга келтирилди.

Жаҳон ҳамжамияти Покистон халқига мурожаат қилиб, оқоийшга чақирди.

Шартнома имзоланди



Техронда Эроннинг Pars Oil and Gas Company ва Малайзиянинг SKS компаниялари «Гулшан» ва «Фирдавс» газ қўнларини биргаликда ўзлаштириш бўйича шартнома имзоландилар. Беш ярим йилга мўжаланган мазкур лойиҳа 6 миллиард долларни ташкил этади.

Маълумотларга қараганда, «Гулшан» газ қонида 1,5 триллион, «Фирдавс» газ қонида эса 285 миллиард кубометр газ захираси бор.

Интернет орқали аукцион савдо

Нью-Йорклик номасълум коллекциячи интернет орқали ўтказилган аукционда 1918 йилда чиқарилган ноёб маркани 825 минг долларга сотиб олди. Мазкур марказда оффи осмонга қартилган Curtiss JN-4 самолёти тасвирланган.



Маълумотларга қараганда, ўша пайтда бундай маркалар бор-йўғи 100 дона қарилган. Уларнинг қўғи ўша пайтдаёқ йўқ бўлиб кетган. Шу боис, унинг нархи жуда қиммат.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

«МИЛЛИЙБАНК»НИНГ МАВҚЕИ ОШМОҚДА

«Moody's Investors Service» халқро рейтинг агентлиги Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкига «Ва3» тоифасидаги кредит рейтингини тақдим этди.

Бу агентлик 1900 йилда ташкил топган. У дунёдаги 100 дан ортиқ мамлакатларнинг давлат ва тижорат тузилмаларига рейтинг баҳосини бериб, турли кредит рейтингларини кенг қўламада тақдим этувчи, жаҳондаги етакчи агентликдир.

«Умиллийбанк» Ўзбекистонда муҳим аҳамиятга эга нуфузли молия муассасаси, мамлакат ва халқро савдо операцияларига хизмат кўрсатиш учун хорижий инвестициялари жалб этиш ҳамда бошқаришда катта мавқега эга.

Таъкидлаш керакки, мустақил экспертларнинг аниқ рақам ва фактларга асосланган мазкур баҳоси банк молиявий барқарорлиги эътирофидир.

Агентлик мутахассисларининг билдиришича, банк лойиҳаларни молиялаш, универсал тижорат, инвестицион ва жамғарма банкларнинг вазифаларини мақбул тарзда уйғушлаштириб, барқарор ривожланиб бораётган профессионал молия муассасаси сифатида намоён бўлмоқда. Кенг фаолият қирралари, банк хизматларининг халқро андозалар даражасида

ташкिल этилиши натижасида банкнинг ҳамкорлари ва мижозлари сафи жадал суръатда кўпайиб бормоқда.

Бундан ташқари, бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки «The Banker» журна-ли рейтингини бўйича ҳам дунёдаги минтага энг йирик банклар сирасига киритилган.

Агентликнинг фикрича, «Ўзбекистонда иқтисодий ва тижорат муҳитининг ижобий ривожлантирилиши ҳам маҳалли ва хорижий валюталардаги рейтингга ижобий таъсир этиши мумкин».

Нуфузли халқро агентлик рейтингининг «Умиллийбанк»ка берилиши банк томонидан тараққий стратегиясининг тўғри танланганлигини, у ички ва ташқи бозорларда пешқадам мавқега эга эканлигини яна бир қарра тасдиқлади.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки жамоатчилик билан алоқалар бўлими.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Сайлов Ўзбекистонда истиқлол йилларида амалга ошириб келинаётган, мамлакатимизда тинчлик ва барқарорлик, тараққиёт ва халқимиз фаровонлигини таъминлашга қаратилган чукур социал-иқтисодий, иқтисодий-сиёсий ислохотлар, демократик янгиланиш, модернизация қилиш жараёнини давом эттириш борасида жамиятимизнинг барча куч ва қатламларини янада жиҳслаштиришнинг муҳим омилга айланди. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси округ сайлов комиссияларидан келган протоколларга асосланган ҳолда, жорий йилнинг 23 декабрида бўлиб ўтган сайловда рўйхатга олинган 16 миллион 297 минг 400 нафар сайловчидан 14 миллион 765 минг 444 нафари овоз беришда иштирок этганини аниқлади. Бу рўйхатга киритилган сайловчилар умумий сонининг 90,6 фоизини ташкил этади.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан кўрсатилган номзод Исро Абдуғаниевич Каримовга 13 миллион 8 минг 357 нафар сайловчи ёки сайловда иштирок этган сайловчилар умумий сонининг 88,1 фоизи овоз берди. Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан кўрсатилган номзод Аслиддин Ашурбоевич Рустамовга 468 минг 64 нафар сайловчи ёки овоз беришда иштирок этган сайловчилар умумий сонининг 3,17 фоизи, сайловчилар ташаббускор гуруҳидан кўрсатилган номзод Акмал Холматович Саидовга 420 минг 815 нафар сайловчи ёки овоз беришда иштирок этган сайловчилар умумий сонининг 2,85 фоизи, Ўзбекистон «Адолат» Социал-демократик партиясидан кўрсатилган номзод Дилором Ғофуржоновна Тошмухамедовага 434 минг 111 нафар сайловчи ёки овоз беришда иштирок этган сайловчилар умумий сонининг 2,94 фоизи овоз берди.

«Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловчи тўғрисида»ги Қонуннинг 14, 35-моддаларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Исро Абдуғаниевич Каримовни Ўзбекистон Республикаси Президентини лавозимига сайланди, деб ҳисоблаш ҳақида қарор қабул қилди.

(ЎзА).

МУАЙТАЙ — ДОВЮРАКЛАР ЖАНГИ

Самарқандда муайтай бўйича Ўзбекистон кубогининг финал босқичи бўлиб ўтди. Тўрт кун давом этган беллашувада 200 га яқин спортчи 13 ваъз тоифасида рингга чиқди.

Ёшларнинг тадриж ва чакон ҳаракатлари зални тўлдириб ўтирган муҳлислар томонидан оқишланди.

Спорт билан шуғулланиш ёшларнинг турли ёмон кўчаларга кириб кетиши, гиёҳвандлик сингари ярама оилаларга ўрганишнинг олдинчи олади. — деди самарқандлик республика чемпиони Хайрулла Асатуллаев. — Мамлакатимизда ёшлар учун барча шароитларнинг яратиб берилганидан, 2008 йилнинг «Ёшлар йили» деб эълон қилинганидан беҳад мамнунмиз. Бу йилда спортдаги ютуқларимиз билан Ватанимиз шаънини янада кўтаришга аҳд қилганимиз.

Ўзбекистон кубоғи муособақасида ҳам Хайрулла юқори натижага эришди. Финалда қорақалпоқистонлик тенгдоши Дамин Ҳасанов билан учрашувни энг яқин курашлардан бири, деб баҳолади.

Муособақада умумжамоа ҳисобида Тошкент шаҳри вакиллари биринчи ўринни эгаллади. Самарқандлик спортчилар иккинчи, қорақалпоқистонликлар эса учинчи ўринга мушарраф бўлишди.

Шу кунги Ташкандда ўтказилган жаҳон биринчилиги ва Макао шаҳрида ёпиқ иштироларда бўлиб ўтган Осиё ўғиллари гойиб ва совриндорлари ҳам шарофланиб, уларга Самарқанд вилояти ҳокимлигининг эсдалик ва қимматбаҳо совғалари топширилди.

Тадбирда Самарқанд вилояти ҳокими вазифасини бажарувчи А. Бахромов иштирок этди.

Абдурашул САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

«ЎЗКИМЁСАНОАТ»
ДАВАЛАТ АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
республикамиз кимёгарлари
помидан бутун Ўзбекистон халқини
Янги — 2008 йил билан
муборакбод этиб, барчага тинчлик-хотиржамлик, муштажам соғлиқ тилайди.
Жонажон Ватанимизнинг гуллаб-яшнаши йўлидаги эзгу ишларингизда ҳамиша омад ёр бўлсин, азиз ҳамюртлар!

Янги йил совғалари
болалар ва катталар учун
АРЧАЛАР
АРЧАЛАР УЧУН БЕЗАКЛАР
Тўлов — пул ўтказиш йўли билан.
Тел.: 173-96-14, 173-97-00, 276-52-91.

ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН, ТАДБИРКОР ХОНИМЛАР ВА ЖАНОБЛАР!
ЎЗБЕКИСТОН БАНКЛАРИ АССОЦИАЦИЯСИ
«УНИВЕРСАЛ БИРЖА МАРКАЗИ» ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ
очик аукцион савдоларига тақлиф этади.
2008 йил 1 февраль куни соат 15.00 да Фарғона шаҳри, А. Навоий кўчаси, 47-«А» уй, «Универсал биржа маркази» биносида бошлангич баҳоси, босқичма-босқич охириги бориш тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдосига суд ижрозчилари томонидан хатланган кўйидаги мулк чиқарилоқда:
Суд ижрозчиларининг Марғилон шаҳар бўлимиаси томонидан 2005 йил 25 июлдаги ижро ҳужжатига асосан рўйхатга олинган, Марғилон шаҳри, Тошпоқтапа МФЙ, Ал-Фарғоний кўчасида жойлашган, Ш. Исқандаровага тегишли бино-иншоотлар.
Бошлангич баҳоси — 75 000 000 сўм.
Мулклар 2008 йил 1 февраль кундаги савдоларда сотилмай қолса, савдолар 2008 йил 5 ва 8 февраль кунлари давом этади.
Савдода қатнашиш учун харидорлар савдодаги мулкларни сотиб олиш учун ариза топширган ҳолда объект бошлангич баҳосининг 10 фоизи миқдордаги закалат пулини кўйидаги ҳисоб рақамларига тўлашлари шарт:
- жисмоний шахслар учун транзит ҳ/р 2980400090000493415 ЎзР ТИФ МБ Фарғона филиали, МФО 00493, ИНН 204325773;
- юридик шахслар учун ҳ/р 22622000904234776001 ЎзР ТИФ МБ Фарғона филиали, МФО 00493, ИНН 204325773.
Аризалар ва закалат пулларини қабул қилиш савдодан бир кун олдин соат 15.00 да тўхтатилади.
Савдода қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари масалалари асосидан, шунингдек савдога қўйилган мулклар билан танишиш истағида бўлганлар кўйидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин:
Ўзбекистон Банклари ассоциациясини «Универсал Биржа Маркази» Фарғона вилояти филиали, Фарғона шаҳри, А. Навоий кўчаси, 47-«А» уй, 2-қоғна. Телефонлари: 226-45-48, 226-65-08.
Лицензия серияси ДВ 001 № 000010.

Мухтарам газетхон! Газетамизнинг ушбу сонидеги қўш саҳифа бепул илова қилинмоқда.

ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИДАН
Фойдаланувчилар диққатига!
«Ўзбекэнерго» ДАК
электр энергиясининг барча истеъмолчиларига, шу жумладан, юрсаик ва жисмоний шахсларга ҳам, 2008 йил учун энергия билан таъминлашга шартномалар тузилиши ҳалқро эканлиги тўғрисида маълум қилади.
Амалдаги шартномалар муддатга узайтирилмайди. Шартномани тузиш учун электр энергиясининг истеъмолчилари объект жойлашган манзил бўйича энергия билан таъминловчи ташкилотга мурожаат қилиши зарур.
Шартномалар кўйидаги шартлар бажарилганда тузилади:
— ҳисобга олинмаган ҳисоб-китоб нўқталарида замонавий электрон ҳисоблағичлар ўрнатилган бўлса (маъшиий истеъмолчилардан ташқари);
— 2007 йилда амал қилаётган шартнома бўйича истеъмолчининг муддатга утган дебиторлик қарзлари мавжуд бўлмаганда.

КУЧ – БИЛИМ ВА ТАФАККУРДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007-2008 ўқув йили Давлат стипендиатлари

Бакалаврият таълим йўналишлари бўйича

РАФИЕВА Феруза Умидилоевна
(қишлоқ ва сув ҳўжалиги таълим йўналишлари бўйича)

1987 йилда Самарқанд вилояти Тайлоқ туманида таваллуд топган. Самарқанд қишлоқ ҳўжалиги институти Агрономия таълим йўналиши 4-босқич талабаси. Аъло баҳоларга ўқиши билан бирга долзарб мавзулардаги маърузалари билан турли илмий анжуманларда фаол қатнашиб келади. 2006 йилда Самарқанд давлат университетидида магистрантларнинг VI илмий йиғинида маърузаси билан қатнашиб совринчи 2-ўринни, 2007 йил институтда ўтказилган иқтидорли талабаларнинг илмий-амалий конференциясида 1-ўринни эгаллаган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 19 июндаги Фармонида буюрилган «O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MUSTAQILLIGIGA 15 YIL» эсдалик нишони билан тақдирланган. Рус, немис ва тожик тилларини пухта эгаллаган.



Айни вақтда «Вирусиз асосда ташкил этилган картошка уруғчилиги» мавзусида илмий тадқиқот билан шуғулланмоқда.

НИЁЗОВ Умид Сохибович
(техника ва информатика таълим йўналишлари бўйича)

1986 йилда Наманган вилояти Чуст туманида туғилган. Тошкент ахборот технологиялари университети Телекоммуникация технологиялари йўналиши 4-босқич талабаси. Республика ва университет миқёсида ўтказилган илмий-амалий конференцияларда мунтазам қатнашиб келади. Университетда ўтказилган фанлар олимпиадаларида физика ва математика фанлари йўналишида иштирок этиб, фахрли ўринларни эгаллаган. Рус, тожик ва инглиз тилларини чўқур билади.



Рус, тожик ва инглиз тилларини чўқур билади.

Хозирда «Телекоммуникация тармоқларини лойиҳалаштириш ва уларни бошқариш тизимларини ҳисоблаш» мавзусида илмий иш олиб бормоқда.

ПАЛУАНИЯЗОВА Замира Айтжановна
(табиёт таълим йўналишлари бўйича)

1984 йил 17 августда Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳрида туғилган. Тошкент педиатрия-тиббиёт институти Нукус филиалида Даволаш иши йўналиши 7-босқич талабаси. Ўқишдаги муваффақиятлари билан бир қаторда, талабаларнинг республика ва халқаро миқёсидаги илмий анжуманларида маърузалар ҳамда газета ва журналларда мақолалари билан фаол қатнашиб келади. 2003 йилда ТПТИ Нукус филиалида ўтказилган талабаларнинг илмий-амалий конференциясидаги маърузаси энг яхши маъруза сифатида тан олинди. 2006 йилда Зулфия номидаги Республика Давлат мукофоти совриндори бўлди. Рус, инглиз ва немис тилларини яхши эгаллаган.



Хозирги вақтда Оролбўйи минтақасида яшайдиган аҳоли орасида эндемик бўқоқ касаллигининг тарқалиши муаммосига оид илмий-амалий изланишлар олиб бормоқда.

МУРОДОВ Шерзод Нормонович
(физика-математика ва кимё-биология таълим йўналишлари бўйича)

1986 йил 10 августда Бухоро шаҳрида туғилган. Бухоро Давлат университети Математика йўналиши 4-босқич талабаси. Аъло ўқиши билан бирга республика миқёсида ўтказилган талабаларнинг илмий-амалий анжуманларида мунтазам иштирок этиб келмоқда. Математика таълим йўналиши бўйича талабалар учун «Тўплам ва тўпламлар устида амаллар мавзусини компьютерда ўқитиш» мавзусида электрон дастур яратган. Рус тили ва инглиз тилларини мукамал билади.



Рус тили ва инглиз тилларини мукамал билади.

Хозирги кунда «S-квадратик стохастик операциялар» мавзусида илмий тадқиқот олиб бормоқда.

АБИДИНОВА Дилбар Бахтиёрвна
(иқтисодий таълим йўналишлари бўйича)

1987 йил 11 октябрда Тошкент шаҳрида туғилган. Тошкент молия институти Банк иши йўналиши 4-босқич талабаси. Республика миқёсида ўтказилган талабаларнинг илмий анжуманлари ва илмий танловлари фаол иштирокчиси. 2005 йили «Рус тили ва адабиёти» фанидан республика талабалар олимпиадасида қатнашиб фахрли 3-ўринни, 2007 йил «Инглиз тили» фанидан республика талабалар олимпиадасида иштирок этиб, «Келажак умиди» номинациясида голибликни қўлга киритган. 15 дан ортқ илмий мақолалари республика даврий нашрларида эълон қилинган. Рус ва инглиз тилларини пухта ўзлаштирган.



Хозирда «Офшор ҳудудларда бизнес фаолиятини ташкил этиш», «Офшор банкларининг афзалликлари ва улар билан боғлиқ йўқотишлар» мавзусида илмий-амалий изланишлар олиб бормоқда.

ЭРМАТОВА Камола Азизбековна
(журналистика таълим йўналишлари бўйича)

1986 йил 24 мартда Тошкент шаҳрида туғилган. Ўзбекистон Миллий университети Журналистика таълим йўналиши 4-босқич талабаси. Фанларни аъло баҳоларга ўзлаштириши билан бир қаторда 2001 йилдан буюн «Ўзбекистон» теле радиоканали орқали эфирга узатилувчи «Қизлар давраси» ва «Ўзбекистон ўғлонлари» маданий-маърифий кўрсатувларида бошловчилик вазифасини бажариб келади. 2006 йили Бельгия давлати Шарлеруа шаҳрида ўтказилган «Марсизель – 2006» халқаро фольклор кўшиги ва рақслари фестивалида, 2007 йилда эса



«Ўзбекистон матбуотида журналист текшируви: шаклланиши, тематикаси ва ривожланиши муаммолари» мавзусида тадқиқот олиб бормоқда.

Малайзия давлатининг Саравак штатида ўтказилган халқаро «Ҳосил – 2007» фестивалида «Ўзбекистон ёшлари» гуруҳи таркибидида иштирок этиб, ўзбек санъатининг дунёга танилишига ўз ҳиссасини қўшган.

2004 йилда Зулфия номидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофоти совриндори бўлган. Рус ва инглиз тилларини чўқур ўзлаштирган.

Хозирги вақтда «Ўзбекистон» телерадиоканалида хотин-қизлар масалаларининг ёритилиши» мавзусида изланиш олиб борапти.

МАДРАҲИМОВА Феруза Рузимбоевна
(сўнмаъна таълим йўналишлари бўйича)


1988 йил 7 мартда Урганч шаҳрида туғилган. Урганч Давлат университети «Миллий истиқлол гоёси: ҳуқуқ ва маънавият асослари» йўналиши 4-босқич талабаси. Аълочи ва фаол талаба сифатида республика миқёсидаги ва халқаро анжуманларда илмий маърузалари билан қатнашиб келмоқда. Жумладан, 2006 йил университет миқёсида Алишер Навоий ва Заҳриддин Муҳаммад Бобур таваллудлари муносабатлари билан ўтказилган илмий-амалий конференцияда қилган маърузаси «Энг яхши маъруза» сифатида эътироф этилган. Университетда ташкил этилган «Талабалар илмий жамаияти» ва «Нотиклар клуби»нинг фаол аъзоси.



Рус ва инглиз тилларини яхши ўзлаштирган. Хозирги вақтда «Ҳуқуқий меъёрларни амалга ошириш ва шарҳлаш муаммолари» мавзусига бағишланган илмий тадқиқот устида ишламоқда.


МУСАЕВ Бекзод Турсунбоевич
(ҳуқуқ ва халқаро муносабатлар таълим йўналишлари бўйича)

1987 йил 25 январда Андижон вилояти Пахтаобод туманида туғилган. Тошкент Давлат юридик институти 4-босқич талабаси. Институтнинг «2-Ҳуқуқ» факультети қошида «XXI аср ҳуқуқшунослари» тарғибот гуруҳини тузиб, мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ тизимидаги ислохотлар, уларнинг мазмун-моҳияти тўғрисида ҳамда аҳолининг ҳуқуқий оғни ва маданиятини оширишга қаратилган тарғибот-ташвиқот тадбирларида фаол



Рус ва инглиз тилларини мукамал ўзлаштирган. «Ўзбекистон матбуотида журналист текшируви: шаклланиши, тематикаси ва ривожланиши муаммолари» мавзусида тадқиқот олиб бормоқда.

иштирок этиб келмоқда. «Камолот» ЁИҲ ва «LG Electronics» компанияси ҳамкорлигида республика талабалари ўртасида ўтказилган «LG GRANT-2007» танловида ҳуқуқшунослик йўналиши бўйича голибликни қўлга киритган. Шунингдек, 2007 йилда ўтказилган «Ҳуқуқшунослик» ва «Жинойят ҳуқуқи» фанлари бўйича Республика талабалари фан олимпиадаси голиби. «Хорижий мамлакатларда фуқаролик институтининг конститутив асослари», «Эвтаназия ёҳуд ўлим жазосига доир ҳуқуқ», «Умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазосининг қонунчиликка татбиқ қилинишидаги айрим жиҳатлар» номли илмий-оммабоп рисоалар муаллифидир.



Рус ва инглиз тилларини анча мукамал билади. Шу кунларда «Эвтаназия билан боғлиқ жинойятларни квалификация қилиш муаммолари» мавзусида илмий изланишлар олиб бормоқда.

Рус ва инглиз тилларини анча мукамал билади. Шу кунларда «Эвтаназия билан боғлиқ жинойятларни квалификация қилиш муаммолари» мавзусида илмий изланишлар олиб бормоқда.

ГАНИЕВА Элеонора Ринатовна
(маданият ва санъат таълим йўналишлари бўйича)

1987 йил 19 майда Андижон шаҳрида туғилган. Тошкент Давлат маданият институти Оммавий байрамлар режиссураси таълим йўналиши 4-босқич талабаси. Ўқишдаги ютуқлари билан бир қаторда республика газета ва журналларида мақолалари билан қатнашиб туради. Институт томонидан унинг 3 та рисоласи чоп этилган. «Камолот» ЁИҲ ва «LG Electronics» компанияси ҳамкорлигида республика талабалари ўртасида ўтказилган «LG GRANT-2007» танлови совриндори бўлган.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 19 июндаги Фармонида буюрилган «O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MUSTAQILLIGIGA 15 YIL» эсдалик нишони билан тақдирланган. Ўзбек ва инглиз тилларини яхши билади.

Шу кунларда «Этюдларнинг композицион тузилиши» мавзусида илмий изланиш олиб бормоқда.

Шу кунларда «Этюдларнинг композицион тузилиши» мавзусида илмий изланиш олиб бормоқда.

Шу кунларда «Этюдларнинг композицион тузилиши» мавзусида илмий изланиш олиб бормоқда.

Шу кунларда «Этюдларнинг композицион тузилиши» мавзусида илмий изланиш олиб бормоқда.

Шу кунларда «Этюдларнинг композицион тузилиши» мавзусида илмий изланиш олиб бормоқда.

Шу кунларда «Этюдларнинг композицион тузилиши» мавзусида илмий изланиш олиб бормоқда.

Шу кунларда «Этюдларнинг композицион тузилиши» мавзусида илмий изланиш олиб бормоқда.

Шу кунларда «Этюдларнинг композицион тузилиши» мавзусида илмий изланиш олиб бормоқда.

Магистратура мутахассисликлари бўйича

АХМЕДОВ Шухрат Маҳмудович
(қишлоқ ва сув ҳўжалиги таълим мутахассисликлари бўйича)



1984 йил 16 июнда Тошкент шаҳрида туғилган. Тошкент Давлат аграр университети Мевачилик мутахассислиги 2-босқич талабаси. Фанларни чўқур ўзлаштириш билан бир қаторда илмий-амалий анжуманларда мунтазам иштирок этиб келмоқда. Унинг боғдорчиликка ихтисослашган фермер ҳўжаликлари учун тавсия этаётган олма кўчатларини пайванд қилиш мuddатлари ишлаб чиқаришга тadbиқ этилган ва катта иқтисодий самара бериши кўзда тутилмоқда.

Рус ва инглиз тилларини мукамал билади. Айни пайтда «Кўчатзорда олманинг вегетатив пайвандтагларини хар хил мuddатларда пайванд қилишни ўрганиш» мавзусида илмий иш олиб бормоқда.

САЙНАЗАРОВ Абдуқашар Матибрагимович
(техника ва информатика таълим мутахассисликлари бўйича)



1984 йил 12 ноябрда Тошкент вилояти Ангрен шаҳрида туғилган. Тошкент Давлат техника университети Рангли ва нодир металл мутахассислиги 2-босқич талабаси. Ўқишдаги ютуқлари билан бир қаторда иқтидорли талабаларнинг республика илмий-амалий анжуманларида фаол иштирок этиб келаяпти. Жумладан, 2003 йилда «Фан ва техника тараққиётида – ёшлар» мавзусида бўлиб ўтган иқтидорли талабаларнинг учинчи илмий-амалий анжуманида унинг маърузаси биринчи мукофотга муносиб қўрилди. 2005 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат стипендияси совриндори бўлди. 2006 йилда «O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MUSTAQILLIGIGA 15 YIL» эсдалик нишони билан тақдирланган.

Рус ва инглиз тилларида эркин сўзлашади. Айни пайтда Олмалик кон-металлургия комбинати шароитида кислород-нашвал не-фидо сульфидли мис бойитмаларини эриштириш самарали технологиясини ишлаб чиқишга бағишланган магистрлик диссертацияси устида ишламоқда.

НОСИРОВ Музаффар Мадаминович
(табиёт таълим мутахассисликлари бўйича)



1982 йил 12 февралда Андижон вилояти Балқич туманида туғилган. Андижон Давлат табиёт институтида Жарроҳлик мутахассислиги 3-босқич талабаси. Институтда ўқув жамоат ишларида фаолиги билан бир қаторда жарроҳлик мутахассислиги йўналишида самарали илмий изланишлар олиб бормоқда. Илмий ишлари натижалари республика ва хорижий мамлакатларда ўтказилган илмий-амалий анжуманларнинг энг сара тўпламларида чоп этилган. 2004 йилда Ибн Сино номидаги Давлат стипендияси совриндори бўлди. Рус ва инглиз тилларини мукамал билади.

Шу кунларда «Жигардан эхиноккокцидиядан сунгги қолдиқ бўшлиқни жигар юмалоқ бойлами билан бартараф қилиш» мавзусида қизгин илмий изланишлар билан банд.

ДАЛИЕВ Шохруҳ Ҳожақбарович
(физика-математика ва кимё-биология таълим мутахассисликлари бўйича)



1985 йил 24 апрелда Ленинград шаҳрида туғилган. Ўзбекистон Миллий университетида «Яримўтказгичлар ва диэлектриклар физикаси» мутахассислиги 2-босқич талабаси. 2004 йилда Мирзо Улуғбек номи Республика Давлат стипендияси совриндори бўлган. Фанларни чўқур ўзлаштириш билан бир қаторда фан олимпиадаларида, илмий-амалий конференция ва семинарларда мунтазам иштирок этиб келмоқда. 2006 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан ташкил этилган «Талабалар томонидан бажарилган, илм-фанда ва ишлаб чиқаришда аҳамиятга эга бўлган энг яхши илмий изланишлар» танловида қатнашиб, «Физика» йўналиши бўйича голибликни қўлга киритди. Ўзбекистон Республикаси «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгашининг 2007 йил 21 августдаги қарорига буюрилган «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишони билан тақдирланган.

Рус, инглиз ва қорақалпоқ тилларида эркин сўзлашади. Хозирда «Айрим қийин эрувчи ва нодир ер элементларининг металл-диэлектрик-яримўтказгич структуралар параметрларига таъсирини тадқиқ этиш» мавзусида самарали тадқиқот ишлари билан шуғулланмоқда.

ЭРГАШЕВ Ислоҳ Исмоилович
(иқтисодий таълим мутахассисликлари бўйича)



1985 йил 27 сентябрда Самарқанд вилояти Пахтачи туманида туғилган. Самарқанд Давлат университетида Аҳолишунослик ва меҳнат иқтисодиёти мутахассислиги 2-босқич талабаси. Аъло ўқиш билан бирга талабаларнинг республика миқёсида ўтказилган илмий-амалий анжуманларида мунтазам иштирок этиб келмоқда. 2006 йилда университет миқёсида ўтказилган магистрантлар илмий-амалий анжуманида қилган маърузаси «Энг яхши маъруза» сифатида эътироф этилди. Шунингдек, спорт соҳасида ҳам қувонарли ютуқларга эришмоқда. 2003 йилда қўл жанги бўйича Самарқанд вилояти биринчилиги мусобақасида 55 кг. вазнда 2-ўринни эгаллади.

Рус, инглиз ва немис тилларида эркин сўзлашади. Айни пайтда «Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида мулкий муносабатларнинг аҳоли бандлиги кўрсаткичларига таъсири» мавзусида илмий изланишлар олиб борапти.

ЯКУБОВ Собиржон Салимович
(журналистика таълим мутахассисликлари бўйича)



1983 йилнинг 16 майда Фаргона вилояти Марғилон шаҳрида туғилган. Ўзбекистон Миллий университети Журналистика факультети 2-босқич талабаси. Университетдаги тахсил даврида барча фанлардан «аъло» баҳоларга ўқиб, илмий соҳада сезиларли муваффақиятларга эришмоқда. Хусусан, 2001 йил апрель ойида олий таълим муассасалари талабалари ўртасида «Ўзбекистон тарихи» фани бўйича ўтказилган республика олимпиадасида иккинчи ўринни, 2003 йил май ойида «Журналистика» йўналишида ўтказилган республика олимпиадасида биринчи ўринни эгаллаган. 2003 йилда Навоий номидаги Республика Давлат стипендияси совриндори бўлди. Илмий тўпламлар ва журналларда журналистика назарияси масалаларига бағишланган 20 га яқин ҳамда илмий-оғил, маънавий-маърифий ва халқаро мавзуларда 150 дан зиёд мақолалари эълон қилинган.

АРСЛОНЗОДА Фаррух Раҳматжонович
(сўнмаъна таълим мутахассисликлари бўйича)



1985 йил 26 февралда Фаргона вилоятида туғилган. Фаргона Давлат университетида Ватан тарихи мутахассислиги 2-босқич талабаси. Аълочи ва фаол талаба сифатида республика миқёсидаги ҳамда халқаро анжуманларда илмий маърузалари билан қатнашиб келаяпти. 2005 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендияси совриндори бўлган. Университет томонидан 2007 йилда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Археология институтида амалиёт сафарига бўлиб, ўзбек-француз археологик экспедицияси таркибидида Киндиклигана манзилгоҳида олиб борилган қадимшунослик қазимчаларида иштирок этди.

Рус, инглиз ва тожик тилларини мукамал билади. Айни пайтда «Кўқон холиғи тарихига оид рус манбалари» мавзусида илмий тадқиқот олиб борапти.

РАҲМОНОВ Жўрабек Отаназарович
(ҳуқуқ ва халқаро муносабатлар таълим мутахассисликлари бўйича)



1984 йил 9 мартда Хоразм вилоятининг Урганч шаҳрида туғилган. Тошкент Давлат юридик институти Суд тизими, прокурор назорати, адвокат мутахассислиги 2-босқич талабаси. Республика миқёсида ўтказилган иқтидорли талабаларнинг илмий-амалий анжуманларида фаол қатнашиб келмоқда. «Ўзбекистон Республикасида суд ҳужжатларини ижро этиш жараёнининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш масалалари» номли илмий-оммабоп рисола муаллифи. 2005 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат стипендияси совриндори бўлган. Рус ва инглиз тилларини тўлиқ билади.

Хозирги вақтда «Давлат бошқаруви соҳасида қонунчиликни таъминлашда прокуратура органлари фаолиятини такомиллаштириш муаммолари» мавзусида изланимоқда.

ТУРДИМУРАТОВА Амангул Баймуратовна
(педагогика таълим мутахассисликлари бўйича)



1982 йил 15 октябрда Қорақалпоғистон Республикасининг Мўйноқ туманида туғилган. Нукус Давлат педагогика институтида Педагогика мутахассислиги 2-босқич талабаси. Ўқишдаги муваффақиятлари билан бир қаторда, Республика ва халқаро миқёсидаги талабаларнинг илмий анжуманларида фаол иштирок этиб келаяпти. 2005 йилда Навоий номидаги Давлат стипендияси совриндори бўлиб, «КЕЛАЖАК ОВОЗИ» Республика ёшлар мегатанловида «Баддий ижод ва публицистика» номинацияси бўйича голиб бўлган. 2005 йил Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 14 йиллигига бағишлаб ўтказилган ёш шоирларнинг «Ақчақул илҳомлари» III Республика танловида қатнашиб, биринчи даражали диплом билан тақдирланган.

Рус, инглиз, корей тилларини яхши ўзлаштирган. Хозирги вақтда «Эстетик тарбия, ёшларда гузаллик ҳис-туйғуларини ўстириш – асосий зарурият сифатида» мавзусида илмий иш олиб бормоқда.

ХИДИРОВА Радха Эшназаровна
(маданият ва санъат таълим мутахассисликлари бўйича)



1984 йил 3 июнда Қашқадарё вилояти Ҳузур туманида таваллуд топган. Тошкент Давлат санъат институтида санъатшунослик журналистика мутахассислиги 2-босқич талабаси. Фанларни чўқур ўзлаштириш билан бир қаторда иқтидорли талабаларнинг илмий-амалий конференция ва семинарларида мунтазам иштирок этиб келмоқда. Матбуотда ўз мутахассислиги йўналишида қизиқарли мавзулардаги мақолалари билан тез-тез кўриниб туради. Институт миқёсида ўтказилган «Талабалар ижодиёти» кўрик-танловида мунтазам иштирок этиб келмоқда. 2006 йилда «Йилнинг энг яхши мақола муаллифи», 2007 йилда эса «Йилнинг энг фаол магистри» номинациялари бўйича голибликни қўлга киритган.

Рус ва инглиз тилларини мукамал билади. Шу кунларда «Санъат кадрларини тайёрлашнинг баъзи масалалари» мавзусида илмий тадқиқот олиб бормоқда.



Модернизация

Кейинги йилларда мустақил мамлакатимизнинг турли шаҳар ва қишлоқларида янги, замонавий корхоналарни фойдаланишга топширишга бағишланган тантаналар тобора кўпайиб бормоқда. Бу — иқтисодий зарар кўриб ишлаётган, халқона айтганда, ушовидан тушови қиммат бўлиб қолган эски ишлаб чиқаришлар ўрнини бугунги кун талабига жавоб берадиган, арзон ва сифатли маҳсулот ишлаб чиқарадиган иқтисодий ва техникавий бақувват корхоналар эгаллапти, деганидир. Бу аслида бозор иқтисодиётининг асосий тамойилларидан бири — инвестиция лойиҳаларининг амалда татбиқ этилаётганининг самарасидир. Пировардида мамлакатимиз саноат ишлаб чиқариши турли ривожланган мамлакатларнинг илгор техника ва технологияси билан бойиб, мустаҳкамланиб бормоқда. Янги йил арафасида Сирдарё вилоятининг "Оқолтин дон" акциядорлик жамияти таркибидан кунига 200 тонна бугдойни сифатли ун маҳсулотига айлантириб берадиган янги тегирмоннинг ишга туширилиши ҳам юртимиз иқтисодиётидаги ана шу янгиланишларга бир мисол бўла олади.



ТАНДИР ТЎЛИБ ЁПИЛДИ НОН...

Вилоят аҳолисининг дон маҳсулотига бўлган эҳтиёжи бир ойда 2 минг 25 тоннани ташкил этади. Янги тегирмон эса шунча маҳсулотни 10 кунда ишлаб чиқаради. Демак, қолган 20 кунда тайёрланган унни чет давлатларга экспорт қилиш имконияти туғилди. Тантанали маросимда сўзга чиққан вилоят мутасаддилари ана шу тегирмонни қисқа фурсатда қуриб, фойдаланишга топширишда жонбозлик қилган барча муҳандис-техник ходимларга, ишчиларга, туркиялик ҳамкорларга миннатдорчилик билдирдилар.

Айтишларича, дунёда энг сифатли ун Швейцарияда тайёрланади. Бугунги кунда саноати тараққий этган бир қатор давлатларда ишлаб чиқарилаётган тегирмон ускуна ва технологиялари ана шу мамлакат лицензиясига асосланган. Хусусан, "Оқолтин дон" акциядорлик жамияти тасарруфидagi янги тегирмоннинг технологик ли-

ниялари ҳам Туркиядаги "ELIF MAKINA" фирмасида Швейцария лицензияси асосида ишлаб чиқарилган. Янги тегирмон эскисини реконструкция қилиш асносида бунёд этилди. Яъни, эскидан мавжуд тегирмоннинг барча ускуналари, технологик линиялари ўрнига янгилари ўрнатилди, бинода кўшимча қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилди. Унга жами 1,5 миллиард сўмга яқин маблағ сарфланган бўлса, шундан 1 миллиард 17 миллион сўми жиҳозларга кетди, 411 миллион сўми эса қурилиш-таъмирлашга йўналтирилди.

"Шунча маблағ сарфлаб, янги тегирмонни қуришдан пировард мақсад нима эди? У қандай иқтисодий самара бера-

ди?» деган саволларимизга "Оқолтин дон" АЖнинг раиси Фурқат Муродов шундай жавоб берди: — Янги корхона Вазирлар Маҳкамасининг 2007

йил 6 июндаги иқтисодий ночор корхоналарнинг қаддини тиклаш, молиявий барқарорлаштиришга бағишланган йиғилиши баённомасига асосан берпо

этилди. Бу йиғилишда иқтисодий қолоқликдан қутилишнинг йўли — реконструкция эканлиги таъкидланган эди. Шунга асосан, илгари лойиҳа қуввати ку-

нига 350 тонна бўлса-да, аслида 90 тоннагина маҳсулот ишлаб чиқарган ва бунга ана шу 350 тоннанинг харажати сарфланиши оқибатида корхона зарарга ўтказиб қўйган эски ускуналар олиб ташланиб, янгилари ўрнатилди. Натижада энди зарар ўрнига фойда кела бошлади, энг асосийси, маҳсулот сифати ортади — фақат биринчи ва олий навли ун ишлаб чиқарилади. Харидорлар бу маҳсулотларнинг эса вилоят эҳтиёжидан ортгани Озарбойжон, Афғонистон, Тожикистон давлатларига экспорт қилинади. Шу билан бирга янги тегирмонда ишчи-хизматчиларнинг меҳнат шaroити яхшиланди, озода ва саришта цехларда қирқ нафардан

ортиқ ишчи-хизматчи яйраб меҳнат қилади. Айни чоғда, акциядорлик жамиятининг жами 370 кишилик жамоаси учун ҳам ишлаш ва ҳордиқ чиқариш учун шарт-шaroитларни янада яхшилаш тадбирлари кўрилмоқда. Барчага аёнки, буларнинг бари корхонанинг иқтисодий бақувватлигига бориб тақалади.

Янги тегирмонни ишга тушириш маросимида сўзга чиққан "Ўздонмаҳсулот" акциядорлик компанияси вакили барчани янги корхона билан табриклар экан, тизим бўйича бу йил турли

вилоятларда 5 та мутлақо янги замонавий тегирмон қурилиб, фойдаланишга топширилгани, иккитаси реконструкция қилингани, 4 та янги уруғлик цехи қурилгани, инвестиция лойиҳалари бўйича жами 20 та янги объект ишга туширилганини таъкидлади. Буларнинг ҳаммаси юртимизда кенг кўламда бажарилаётган яратувчилик, бунёдкорлик ишларидан далolatдир.

Алишер АҲМЕДОВ.
СУРАТЛАРДА: янги тегирмонни ишга тушириш ва илгорларни тақдирлаш тантаналаридан лавҳалар.




«ОНИКС» ОАЖ Жамоаси

Ўзбекистон эсалқини
яқинлашиб келаётган

Янги йил

байрами билан табриклайди!

Янги — 2008 йил сизларга омад,
бахт-саодат ва қувонч олиб келсин!
Янги йилда қўл ураётган барча эзгу
ишларингиз бароридан келиб,
дилингиздаги олиёсаноб истаклар,
муқаддас орзуларингиз рўёбга чиқсин!



Маҳсулотларимиз
бунёдкорлик режаларингизнинг
амалга ошишига кўмак берса,
биз бундан мамнун бўламиз.

«ЎЗВИНОСАНОАТ — ХОЛДИНГ»

КОМПАНИЯСИ

Ўзбекистон
аҳолиси
ва меҳмонларини
кириб келаётган

2008 йил

билан самимий қутлайди!

Истаймизки, Янги йилда ҳар
биримизнинг хонадонимиздан тинчлик,
хотиржамлик, фаровонлик ва қувонч
ҳеч қачон аримасин!





**«ЎЗБЕКИСТОН
ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ»**
ДАВЛАТ АКЦИЯДОРЛИК
КОМПАНИЯСИ

*мамлакатимиз аҳолисини
кириб келаётган*

**ЯНГИ ЙИЛ
БИЛАН**
самимий табриклайди!

*Юртимизда «Ёшлар йили» деб эълон қилинган
2008 йил ҳам файзли ва баракали келсин.
Янги йил барча хонадонларга тўкинлик, фаровонлик,
ободлик, қувонч ва шодликлар бахш этсин.*



КАПИТАЛБАНК

*Акциядорлик-тижорат
«Капиталбанк»и
Ўзбекистон халқини
Янги — 2008 йил билан
чин дилдан табриклайди!*

*Барчага сиҳат-саломатлик,
бахт-саодат, фаровонлик,
тинчлик ва хотиржамлик тилайди.
Янги йил ҳар бирингизга қувонч,
файз ва барака олиб келсин.*



“АЛП ЖАМОЛ БАНК”
жамоаси


юртдошларимизни

ЯНГИ ЙИЛ — 2008 йил
*билан самимий
муборакбод этади.*

*Янги йил ҳар бир оилага бахт-саодат,
ҳар бир хонадонга файзу барака,
диёримизга тинчлик-омонлик
улашишини тилайди.*

АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!
*2008 йилда ҳам юртимиз равнақи,
Ватанимиз тараққиёти йўлидаги
хайрли ишларингизда сизларга
ҳамиша муваффақиятлар ёр бўлсин.*

БАЙРАМ КАЙФИЯТИ ВА ШУКУҲИ СИЗЛАРНИ АСЛО ТАРК ЭТМАСИН!



ИПОТЕКА БАНК

ИПОТЕКА БАНК

**Янги йилингиз
муборак бўлсин
Азиз юртдошлар!**

ЎзР МБ №74 сонли лицензияси

Хозирги кунда республикада кўплаб ўқув марказлари фаолият кўрсатмоқда. Ушбу марказларда қисқа муддатда турли йўналишларда мутахассис кадрлар тайёрланапти. Уларда ёшларга компьютер саводхонлигини ўргатиш борасидаги амалга оширилаётган ишлар, айниқса, диққатга сазовордир.

“Эффект-молия” ўқув-маркази ҳам компьютерлаштиришни ривожлантиришга ҳисса қўшаётган ва замонавий техника билан бемалол “тиллаша оладиган” мутахассислар тайёрлаётган ўқув даргоҳларидан бири ҳисобланади. Марказ бош директори Неъматулло КЕНЖАЕВ билан ўқув-илмий марказнинг мақсад ва вазифалари, таълим бериш борасидаги олиб борилаётган ишлар ҳақида суҳбатлашдик.

Бундай шароитда ўқувчилар учун танлаш имконияти янада кенгайди. Табиийки, ҳозирги кунда қуруқ ташвиқот билан ёшларни жалб этиб бўлмайди. Улар ўқитишнинг сифати тўғрисида аввал ўқиб кетган ёки тахсил олаётганлардан суриштирадилар. Ўқув дастурлари ва қўлланмалари сифати, ўқитувчиларнинг малакаси

тахассислигини амалий ва назарий жиҳатдан чуқур билиши, шунингдек, энг камидан инглиз ва рус тилларини пухта ўзлаштирган бўлиши, компьютерда ишлаш олиши шарт. Ўқув марказимизда ўқитиш тамойиллари айнан шунга қаратилган бўлиб, бунинг учун тўлиқ имкониятлар ва шарт-шароитлар мавжуд.

пьютерда офис ишлари, интернет ва электрон почта, веб-сайтлар яратиш, компьютерларни модернизациялаш, йиғиш ва дастурлар ўрнатиш, компьютерларро локал тармоқлар ва сервер бошқаруви, дастурлаштириш, маълумотлар базаси бошқаруви, аудио-видео, радиоускуналари таъмирлаш йўналишларида буюртма асосида мутахассислар тайёрланмоқда. Талабга кўра, мобиль телефонларни таъмирлаш ва дастурлаштириш йўналишларида ҳам кадрлар тайёрлашни йўлга қўйганмиз.



Яхши хабар

Намангандаги 6-ногирон болалар уйи тарбияланувчиларига Янги йил байрами арафасида «Билайн» уяли алоқа компанияси вакиллари иссиқ кийимлар ҳадя қилишди.

«Билайн»нинг болаларга туҳфаси

Меҳрибонлик масканида тарбия топаётган 51 нафар ўғил-қизнинг кўпчилигида ҳаракат таянч азозлари чекланган. Бир оғиз ширин калом ва озгина эътибор уларнинг кўнглига ўзгача қувонч олиб киради. Шундай ҳолат «Билайн»нинг соғасидан шодланган болаларнинг чакноқ кўзларидан жипсизларга туради.

Ушбу байрамолди акцияси «Билайн»нинг кейинги бир ой давомида амалга оширган иккинчи хайри юмушидир. Бундан бироз аввал компаниянинг виллоятдаги вакиллари рус миллий маданият маркази билан ҳамкорликда Намангандаги 48-умумтаълим мактабига сўнгги русумдаги 10 та компьютер ҳадя қилишган эди.

Қудратилло НАЖМИДДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ЁШЛАРГА ТАЯНЧ МАРКАЗ

— Юртимизда турли мулкчилик шаклидаги фирма ва корхоналар йилдан-йилга кўпайиб бормоқда, — дея ўз суҳбатини бошлади Неъматулло ака. — Тадбиркорликка кенг йўл очилгани мамлакатимиз иқтисодиётининг тараққий топишига хизмат қилаётти. Ана шундай корхоналарда ўз ишини пухта биладиган, замонавий технологиялар, айниқса, компьютер дастурларини яхши эгаллаган ходимларга эҳтиёж катта. Меҳнат бозорининг шу муҳим талабини ҳисобга олган ҳолда 2002 йилда “Эффект-молия” ўқув марказини ташкил этдик. Бу ерда хоҳловчилар, ёшидан қатъий назар, кам вақт ва маблағ сарфлаб ўзлари истаган йўналиш бўйича ишлаб кета оладиган етук мутахассис бўлиб етишадилар.

Марказимизда бутун диққат-эътибор ўқувчиларни имкон қадар сифатли ўқитишга қаратилган. Бунинг учун зарур чора-тадбирлар доимий равишда амалга оширилмоқда. Марказнинг барча ўқув дастурлари, қўлланмалари Республика Давлат тест марказининг тасдиғидан ўтган бўлиб, биттирувчиларга лицензияланган диплом берилди.

Хозирги кунга келиб тўртта — молия-иқтисод ва бошқарув, ахборот технологиялари, чет тилларини мукамал ўрганиш ҳамда йигит-қизларни ҳаётга профессионал тайёрлаш бўлимларида ўқитилган ортқ йўналиш бўйича кадрлар тайёрляяпмиз. Дарслар яқка тартибда, шунингдек, кичик гуруҳларда олиб борилади. Талаб-

таклифдан келиб чиқиб, тезкор ўқитиш гуруҳлари ҳам ташкил этилган. Ўқиш вақтини бўш вақтларига қараб ўқувчиларнинг ўзлари белгилайдилар. Хар бир дарс 3 академик соатдан иборат. Таълим давомида бир мавзуну ўзлаштирмадан туриб, иккинчисига ўтилмайди. Дарснинг ўзлаштирилиши хар дарс якунида ва хар ойда тест синови асосида аниқланади. Бундан ташқари, ўқувчи билан назария ўзаро уйғунликда, узвийликда олиб борилади.

Шу ўринда яна бир нарсани таъкидлаб ўтишни истардим. Марказимизда 2003 йилдан буён Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари ва кам таъминланган оилалар фарзандларини бепул ҳамда имтиёзли нарҳларда ўқитиб келмоқдамиз.

— Эшитшимизча, яқинда яна бир ўқув маркази ташкил этибсиз?

— Тўғри. “Эффект-молия” марказимизда тахсил олиш истагидидаги ёшларнинг сони ортиб бораётгани ҳамда ўқув масканларига бўлган юқори талаб, тақлиф ва истақларни инобатга олган ҳолда “Universalta’im” ўқув-тадқиқот корхонасини ташкил

қилдик. Хозирда бу ерда ўқувчилар замонавий касб-хунар сирларини ўрганишмоқда. Шунингдек, янги йўналишларда ҳам касб-хунарлар ўргатилиши режалаштирилган.

— Билим бериш, касб-



хунар ўргатиш гоят масъулиятли, машаққатли, шунингдек, шарафли вазифадир. Ўқув марказида таълим бераётган ўқитувчи-мутахассисларга қандай талаблар қўйилади?

— Бозор иқтисодиёти шароитида барча соҳалар сингари бизнинг соҳамизга ҳам соғлом рақобат жуда зарур. Қолаверса, касб-хунар ўрганишни ҳоҳлайдиган миллионлаб ёшларнинг ўз истақларини қондириш учун минглаб ўқув марказлари ке-

ҳақида билишга интиладилар. Зеро, азал-азалдан хар бир масалада сифат кўрсаткичи қадрланган.

Кадрлар тайёрлашдек ўта муҳим ишлар билан шуғулланишга аҳд қилганларнинг, аввало, бунга моддий ва

маънавий ҳуқуқи бўлиши лозим, деб ҳисоблайман. Чунки мазкур соҳада ишлаш учун ҳалоллик, ўқув, ҳаётий тажриба, эътиқод, жонқурлик, мақсад сари интилиш, саховат, сиёсий ва иқтисодий билим, ишга амалий ёндашуш каби хислатлар талаб қилинади. Ўз шогирдларида меҳнатдан завқланиш хислатларини уйғота олган муаллим доимо хурматга лойиқ! Зотан, ўқитувчи энг масъул вазифани адо этади, у инсонни шакллантиради, катта ҳаётга йўланма беради. Хозирги замоннинг кадри ўз му-

Хар икки ўқув даргоҳига ҳам ўқитувчи-мутахассислар қатъий тартибда танлов асосида қабул қилинади. Машгулотлар олиб бораётган ўқитувчиларнинг барчаси назарий-амалиётчилар бўлиб, уларнинг зиммасига хар бир ўқувчини танлаган соҳаси бўйича ишлаб кета оладиган кадр қилиб етиштириш каби ўта масъулиятли вазифа шарт қилиб қўйилган. Яна шунини алоҳида таъкидламоқчи эдимки, меҳнат қонунчилигида кўрсатилган барча имтиёзлардан ўқитувчиларимиз тўла-тўқис фойдаланади. Қолаверса, уларнинг моддий манфаатдорлиги қатъий белгиланган маош асосида эмас, балки ўқитиш сифати ва пировард натижага қараб белгиланади.

Кейинги йилларда юртимиз алоқа ва ахборотлаштириш тизими жадал ривожланмоқда. Соҳада компьютерлаштириш, ахборот-коммуникация технологияларига бўлган эҳтиёж кучаймоқда. Шу боис ҳам ўқув даргоҳимизнинг ахборот технологиялари бўлимида маъруза йўналишларида мутахассислар тайёрлашга катта аҳамият берилмоқда. Ушбу бўлимда ком-

Юртимизда ёшларга бўлган эътибор тобора кучайиб бормоқда. Конституцияимизнинг 15 йиллигига бағишланган тантанали маросимда Юртбошимиз томонидан 2008 йилнинг ёшлар йили, деб эълон қилиниши ҳам уларга бўлган ишонч ва эътибор намунасидадир. Ёшлар хар бир мамлакатнинг таянчи ҳисобланади. Шундай экан, уларни кўлаб-қувватлаш, малакали мутахассислар бўлиб етиштирилиши йўлида бор имкониятларни ишга солиш бизнинг асосий вазифамиздир.

Б. ЭГАМҚУЛОВ суҳбатлашди.

Ер юзида ўзбек пахтасидан баҳраманд бўлмаган миллат йўқ десак, муболаға бўлмас.

«Оқ олтин»имиз кийим-кечак, газлама, чойшабу зарур буюмлар шаклида дунёдаги юзлаб мамлакатлар халқлари томонидан суйиб харид қилинмоқда.

Ривожланган мамлакатлардаги пахта газламасидан пишиқ-пухта ва кўркам либослар ишлаб чиқарадиган нуфузли компания-фирмалар бугун айнан Ўзбекистон толасига харидор бўлаётгани фахрлидир.

Бу — мамлакат шаъни, бободехқонларимиз обрўси!

«ЖИЗЗАХПАХТАСАНОАТ»

ҲУДУДИЙ АКЦИЯДОРЛИК БИРЛАШМАСИ ЖАМОАСИ

юртимиз шон-шухрати бўлмиш осмонўпар хирмонларни бунёд этишга муносиб ҳисса қўшаётган жаззахлик пахтакор фермерларни, саноатчиларни, Ўзбекистон халқини

Янги — 2008 йил

билан самимий қутлайди!

Осмонимиз мусоффо, дастурхонимиз тўкин, хирмонларимиз янада баракали бўлаверсин!

O'ZSANOATQURILISHBANK

«O'ZSANOATQURILISHBANK» ЖАМОАСИ
 БАРЧА ЮРТДОШЛАРИМИЗНИ,
 ҲАМКОРЛАРИ,
 АКЦИЯДОРЛАРИ ВА МИЖОЗЛАРИНИ
 КИРИБ КЕЛАЁТГАН

Янги йил

БАЙРАМИ БИЛАН ТАБРИКЛАЙДИ!

Янги йил сизга бахт-иқбол, хонадонингизга файз-барока, юртингизга хотиржамлик ва фаровонлик олиб келишини тилайди!

Янги йил арафасида «Ўзсаноатқурилишбанк» йиллик
 30 фоиз даромад келтирувчи
«САХОВАТ»
 жамгарма омонат турини таклиф этади.
 Маблаглар 3 ой муддатга қабул қилинади.
 Жамгармадан даромадни ҳар ойда олиш мумкин.

2008

Вақт давомида синалган ишонч!

www.uzpsb.uz

Хизматлар лицензияланган

ALUTEX

ALUTEX

*Aziz vatandoshlar!
 Sizlarni*

Yangi, 2008-
*yil bilan
 tabriklaymiz!*

*Xonadonlaringizda tinchlik va totuvlik
 barqaror bo'lsin, qalblaringiz muhabbat
 va sururga to'lsin!*

«ЎЗДОНМАХСУЛОТ»

АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

*серкўёт йўлкамиз аҳлини, азамат бободехқон
 соҳибкорларимизни кириб келаётган*

Янги - 2008 йил билан

салимий муборақбод этади!

*Барчага сўхат-саломатлик,
 ишларида улкан муваффақиятлар,
 ҳар бир хонадонга тинчлик-
 осойишталик, файзу барока
 тилайди.*

*Юртимиз осмони мусоффо, янги йилда
 уйиладиган ҳрсил хирионлари янада
 сарбаламд бўлсин!*

Халқ сўзи
 Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
 Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1157. 23787 нухсала босилди,
 ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:

Газетхоналар билан алоқа ва мизтақалар бўлими 133-52-55;
 Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида
 терилди ҳамда операторлар
 Жамшед Тоғоев ва Муҳаммадали Бегмуратов
 томонидан саҳифаланди.

Тижорат материаллари

• МАНЗИЛИМИЗ:
 100000, ГСП,
 Тошкент шаҳри,
 Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
 Навбатчи котиб — А. Орипов.
 Навбатчи муҳаррир — А. Кутбиддинов.
 Навбатчи — С. Раҳмонов.
 Мусахҳах — Х. Тошхўжаев.

МУАССИСЛАР:
 Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва
 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
 «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА яқуни — 1.00 Топширилди — 1.35 1 2 3 4 5 6 8